Ушбу сонда:

2 МЕҲНАТ БЎЛИМИ — *аҳолини касбга йўналтириш ва иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда*

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — *уни қабул қилиш тартиби ҳақида*

4 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 апрел, жума №64 (1078)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТУЗИЛДИ

25 апрел куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган делегатлар - ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди. Анжуман ишида Ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи ва Маслаҳат кенгаши аъзолари ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қурултой ўз ишини ҳайъат ва котибият аъзоларини сайлашдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, бундан уч ой бурун мамлакатимиз ёшларининг янги ташкилоти - «Камолот» ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича Ташаббус гуруҳи иш бошлаган эди. Ўтган қисқа вақт ичида гуруҳ аъзолари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, ёшларнинг мазкур ташкилотга муносабати, таклиф ва истаклари, фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Таъкидлаш керакки, бу ғоя нафақат ёшлар, балки жамиятнинг барча қатламлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда Ҳаракат фаолиятига оид хилма-хил таклифлар билдирилди. Бу эса ёшларнинг янги ташкилотга бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Анжуман қатнашчилари Ҳаракат Ташаббус гуруҳининг ҳисоботи ҳамда Дастур ва Низом лойиҳаси бўйича маърузани муҳокама қилдилар.

Дастур ва Низом жойларда ўтказилган йиғилишлар давомида билдирилган кўпдан-кўп таклиф ва фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб тайёрлангани айтиб ўтилди. Ташкилотнинг меъёрий ҳужжатларини пишиқ-пухта тайёрлаш ишчи гуруҳининг муҳим вазифаси бўлгани қайд этилди. Улар АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Россия каби мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг иш услублари ва фаолиятини синчиклаб ўрганиб чиққани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Дастурда сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт ва жисмоний тарбия ҳамда халқаро фаолият соҳасида ташкилот аъзолари ўзларининг устувор йўналиш сифатида амал қилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Янги ташкилот аъзоларининг «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун нима қилмоқдаман, деб яшаш керак», деган сўзларни дастуриламал қилиб олгани эса Ҳаракат ўз олдига фидоий ёшларни тарбиялаб, комил инсонлар этиб вояга етказишдек олижаноб мақсадни қўйганини тасдиқлайди.

Қурултой иштирокчилари мазкур ташкилот қандай бўлиши лозимлиги, мақсад ва вазифалари, Дастур ва Низом лойиҳасига оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бухоролик Нилуфар Жумаева, қорақалпоғистонлик Пўлат Мирзақулов, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ёшлари вакили Инна Зотова, хоразмлик Дилрабо Жуматова, андижонлик Нодира Абдураззоқова, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртидан Шокир Холиқов, Зулфия мукофоти совриндори, қашқадарёлик Шаҳноза Холмаҳматова ва бошқалар ҳаракатнинг бошқарув органлари бюрократик аппаратга айланиб қолмаслигини, аъзолар ташаббускор, фаол шахслар бўлиши кераклигини, улар «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шиорига мос руҳда яшаши ва ишлаши зарурлигини таъкидладилар.

Қурултой арафасида

«Камолот» жамғармасининг таъсисчилар йиғилиши ўтказилган эди. Унда жамғармани тугатиш, мол-мулки ва ваколатларини ихтиёрий равишда янги ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳаси билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланди.

Қурултойда Ҳаракатнинг Марказий кенгаши, назорат ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

«Умид» жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Ботир Убайдуллаев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

Мамлакатимизда ёшларни бирлаштириш, эзгу ишлар сари етаклаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги ижтимоий ҳаракат вужудга келди. Қурултой иштирокчилари Ҳаракат аъзолари озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қиладилар ҳамда бу ташкилот барча ёшларимизнинг таянчи ва суянчи бўлади, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзА).

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилнинг 1-чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, республикадаги вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов ўз маърузасида республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулот 102,8 фоизга ўсгани, саноат маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, чакана савдо айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ошганини қайд этди. Давлат бюджетининг барқарорлиги ва инфляция даражасининг пасайиши таъминланди. Тижорат банкларининг жами активлари ва сармояси, аҳолининг банк омонатларидаги маблағлари кўпайиб бормоқда. Хўжалик субъектларининг тўлов интизоми мустаҳкамланди. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайди, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони қисқарди. Ҳисобот даврида мулкни давлат тассарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида 5,4 миллиард сўм маблағ келиб тушди. Бу ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,7 марта кўпдир. Ташқи савдо айланмаси 4,9 фоизга ошди, ташқи савдода ижобий сальдога эришилди. Аҳолининг даромадлари кўпайиб, турмуш даражаси ўсиб бормоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикадаги бозор ислоҳотларининг асоси бўлган кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни, биринчи навбатда тадбиркорларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини яратиш орқали ривожлантириш соҳасида белгилаб берган вазифалар ижроси танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинганига қарамай, республиканинг барча ҳудудларида, айниқса Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида давлат идоралари, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш давом этаётгани муроса қилиб бўлмайдиган ҳол экани қайд этилди.

Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Тошкент вилояти бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишига оид 19 мингта ҳолат тўғрисида кўрсатма берилган. Шундан 2 мингта ҳолат вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида тегишли равишда 5,5 минг ва 1,8 минг, Самарқанд вилоятида - 5,6 минг ва 4 минг, Сурхондарё вилоятида - 7,8 минг ва 6,6 мингни ташкил этади. Адлия бошқармалари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда етарлича қатъият кўрсатмаяпти.

(Давоми-2-бетда).

РОССИЯЛИК МИЖОЗЛАР БУЮРТМАСИ АСОСИДА

Қўқондаги «Мастона» ҳиссадорлик жамияти россиялик мижозлар буюртмаси асосида маҳсулот тайёрлашга киришди. Томонлар келишувига кўра жорий йилнинг ўзида уларга 100 минг декалитр вино маҳсулотлари етказиб берилади.

Яқинда ҳиссадорлик жамияти Россия Федерациясининг Владимир шаҳрида бўлиб ўтган «Вино-шарбат-2001» кўргазмасида ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Соҳа мутахассислари Фарғона водийси токзорларида етиштирилган узумлардан тайёрланган виноларга юқори баҳо бериб, олтин медал билан тақдирлади.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Жиззахда «Баркамол авлод» спорт ўйинларида иштирок этувчи журналистларга хизмат кўрсатиш ва мусобақаларни ёритиш бўйича ташкил этилган Матбуот марказининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда республика газеталари ва Телерадиокомпаниянинг вилоятда фаолият кўрсатаётган ваколатли мухбирлари, вилоят, шаҳар ва туман газеталари муҳаррирлари ҳамда мусобақаларни ёритиш ваколатига эга бўлган мухбир ва тележурналистлар иштирок этди.

Анжуманда шу йилнинг 30 апрел-5 май кунлари бўлиб ўтадиган, республикамиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қоладиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари жараёнини, ёшларнинг спорт майдонларидаги қизғин баҳслари ва ютуқларини изчил ва таъсирчан ёритиш орқали Президентимиз ва давлатимизнинг соғлом авлод тарбиясига қаратилган сиёсати моҳиятини кенг тарғиб қилишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Барча спорт иншоотларида журналистлар самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

(ЎзА).

СОҒЛОМ АВЛОД - СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон Республикаси Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Соғлом она-соғлом бола-соғлом келажак» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Унда пойтахт туманлари ҳокимликлари, Маънавият ва маърифат марказлари, тиббиёт муассасалари ходимлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда мустақил юртимизда она ва бола саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолгани, 2001 йил Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилингани бунинг яна бир яққол далили экани таъкидланди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Иш берувчининг айби билан баъзи корхона, ташкилотларда ойлик маош кечикмоқда

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига ўн йил бўляпти. Тарихан шу қисқа вақт ичида юртимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, мулкдорлар синфининг юзага келиши, шаҳару қишлоқларимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари истиқлол, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсати шарофатидир.

Қарийб ўн йил бозор иқтисодиёти муносабати билан юзага келган муаммоларни ҳал этиш, камчиликларни тугатиш учун ҳам етарли муддат. Омилкор, ишбилармон, янгича шароитда ишлашга ўзини пухта тайёрлаган раҳбару мутахассислар имкониятларни ишга солиб, туб бурилишга эришмоқдалар. Хориж сармоясини жалб этиб, корхоналар очаётган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган кишилар сони кўпаяётганлиги қувончли ҳолдир.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бахтга қарши, ҳали баъзи иш берувчиларда, етакчи мутахассисларда изланиш, қатъиятлик, ташаббус етишмаётир. Энг ёмони, улар боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаяптилар. Шундай кишилар бош бўлган жамоаларда эришилаётган натижалар кўнгилдагидек эмас. Замонавий технология ишлаб чиқаришга жорий этилмаяпти, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш омилларидан унумли фойдаланилмаяпти. Энг ёмони, ойлик маош кечикмоқда. Шундай корхона, ташкилот ва хўжаликлар борки, улар ойлар мобайнида иш ҳақидан қарздор бўлиб келишмоқда. Буни Наманган вилоятидаги баъзи корхоналар, ташкилотлар мисолида кўриш мумкин.

Равшанки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154 , 161-моддаларида иш берувчи ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, ходимларга бажарган иши учун ҳақни жамоа шартномасида кўрсатилган муддатларда, ҳар ойда икки марта бериб бориши шартлиги аниқ кўрсатиб қўйилган. Агар маош бериш дам олиш куни ёки байрамларга тўғри келиб қолса, ўша кунлар арафасида тарқатилиши керак. Иш берувчининг бевосита айби билан ойлик маош кечикса, раҳбар жавобгар бўлади. Зеро, бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш масаласи юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳам эътироф этилган.

Афсуски, баъзи мутасаддиларнинг раҳбарлар булардан бохабар бўла туриб, негадир ишчи-хизматчиларнинг бажарган ишлари учун вақтида ҳақ тўлашни пайсалга солишмоқда. Айрим ўринларда ўзибўларчилик, масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Намангандаги 2-автокорхона ҳиссадорлик жамиятида шундай ҳолат юзага келган. Ишловчиларнинг шаштиси паст. Улар автокорхона бошлиғи А.Фатуллаев, бош ҳисобчи А.Боймирзаевга неча бор учрашиб, маошсиз қийналишаётгани, оилавий муаммолар кўпаяётгани хусусида гапириб, масалани неча бор кўндаланг қўйишса-да, маошдан дарак бўлмаяпти.

— Ишлар қалай? - сўраймиз «Наманганқурилиш» трестига қарашли 2-ихтисослашган кўчма механизациялашган жамланма бошлиғи М.Абдураззоқовдан.

— Чаккимас, топшириқларни ўринлатиб турибмиз, - дейди у.

— Қурувчиларнинг кайфияти-чи?

— Жойида.

Қизиқ, раҳбар қандай қилиб бемалол шундай дейиши мумкин. Ахир, маош вақтида берилмаётган жамоада ишловчилар кайфияти қандай яхши бўлсин?!

Бундай камчиликларга Наманган сув қурилиши ҳиссадорлик жамияти, Наманган шаҳар махсус санитар-тозалов автокорхонаси, Чортоқ туманидаги «Айқирон» ширкат хўжалигида ҳам йўл қўйилмоқда. «Ўзмелиотранс» корпорациясига қарашли 8-хўжалик ҳисобидаги автокорхонанинг маошдан қарзи 27 миллион сўмдан ошганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Тўғри, меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари юқоридаги каби камчиликларга қарши қатъий курашмоқдалар. Хусусан, вилоят касаба уюшмаларининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши йиғилишида маошдан қарздорлик масаласи атрофлича муҳокама қилинди, муҳим ишда камчиликларга йўл қўяётган ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди. Баъзиларининг фаолиятига муносиб баҳо берилди. Бироқ, асосий касал шундаки, кўпинча камчиликлар содир бўлгандан кейингина ҳаракатга тушилади, унинг айбдорлари изланади. Барвақтроқ ҳамкору ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, айрим касабақўм раислари муросасозлик йўлини тутишмаса, ишловчилар манфаати қатъий туриб ҳимоя қилинса, балки иш ҳақидан қарздорлик анча камайган бўлармиди...

Ж.ВОҲИДОВ,
Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг бўлим мудири.
О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Боши-1-бетда).

Тартиббузарликлар аниқланган бўлишига қарамасдан, биринчи чоракда Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида биронта ташкилот ёки назорат органлари ходими маънавий ва моддий жавобгарликка тортилмаган. Тошкент шаҳри, Наманган ва Хоразм вилоятларида аниқланган камчиликлар бўйича судга даъво аризалари тақдим этишда етарлича фаоллик кўрсатилмаяпти.

Суд қарорлари ижросини ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. 2000 йилда республика бўйича 1493 миллион сўмлик 829 та қондирилган даъво аризасидан 1 апрел ҳолатига кўра 299,6 миллион сўмлик 230 та даъво аризаси ижро этилган, холос.

Ҳукумат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директори Ў. Холмуҳамедов, Молия вазири М.Нурмуродовнинг ҳисоботи тингланди. Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари, Шаҳрихон, Қоракўл, Ғиждувон, Нарпай, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманлари, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳокимликларининг коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, уй-жой эгалари ширкатлари ва муқобил уй-жой коммунал хизмат корхоналарини тузиш, кўрсатилган хизматлар учун қарздорликни камайтириш, уй-жой фондларини сув ва газ ҳисоблаш асбоблари билан жиҳозлаш, 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли уйларни капитал таъмирлаш борасидаги фаолияти кескин танқид қилинди.

Жойлардаги давлат ҳокимлик органлари ўз вақтида ва сифатли коммунал хизмат кўрсатишни таъминлаш, уй-жой фондини сақлаш ва кўрсатилган коммунал хизматлар харажатларини қоплаш учун жамоавий жавобгарлик тизимини яратиш бўйича масъул эканликларини англаб етмаяптилар. Кўпгина ҳудудларда коммунал хизмат кўрсатишдаги ислоҳотларга расмиятчилик билан қаралмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш жараёни ўта суст амалга оширилмоқда. Фақат 409 та (38 фоиз) ширкатда капитал таъмирлаш учун маблағ тўпланадиган депозит ҳисоб рақамлари очилган. Уларда 27,4 миллион сўм маблағ жамғарилган. Кўпчилик кўп хонадонли уйлар ялпи капитал таъмирлашга муҳтож. Аҳолининг коммунал хизматлар учун қарзлари нафақат юқорилигича сақланиб қолмоқда, балки янада кўпаймоқда. Энг катта қарздорлик Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида вужудга келган.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

КОНСТИТУЦИЯ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида бахтимиз қомусининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ҳамда моҳиятини атрофлича ўрганиш барча фуқаролар, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури, маданиятини юксалтиришда, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Улуғ мақсад йўлида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар мажмуи аниқ-равшан белгилаб берилди.

Асосий Қомусимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин яшаши, меҳнат қилиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ўз ифодасини топган. Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида бўлиб ўтган пойтахт касаба уюшмалари фаолларининг илмий-амалий конференциясида шулар ҳақида гап борди. «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент бўлимининг раҳбари, профессор С.Салимов «Конституция ва касаба уюшмалари» мавзуида маъруза қилди. У энг оммавий жамоат ташкилотининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин тутаётганлигини таъкидлади. Ҳаётий мисоллар, илғор тажрибалар, ечимини кутаётган муаммолар мавзуни чуқур таҳлил этишда муҳим омил бўлди.

Ҳақ-ҳуқуқини билган инсоннинг дунёқараши кенг бўлади. У Конституциямизда қонуний тарзда мустаҳкамлаб берилган ҳақ-ҳуқуқлардан унумли фойдаланади, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатади. Ҳаётимиз дастуриламалига айланган ҳужжатни ўрганиш, жойларда кенг тарғиб этишда касаба уюшма фаоллари билан бир қаторда олимлар, ҳуқуқшуносларнинг, маҳаллалар фаоллари иштирок этаётганлиги ўзининг кутилган натижасини бермоқда.

Илмий-амалий конференцияда муҳим ишдаги камчиликлар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Хусусан, баъзи раҳбару мутахассислар, касаба уюшма фаоллари имкониятдан етарлича фойдаланишмаётир. Бундан ташқари, жамоа шартномаларининг шартлари иш берувчилар томонидан барча ерда тўла-тўкис бажариляпти, деб бўлмайди. Мутасаддилар иш берувчилар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари билан учрашганларида уларнинг айримлари етарли даражада ҳуқуқий билимга эга эмаслиги, мустақиллигимизнинг қонуний рамзи бўлмиш Ўзбекистон Конституцияси моддаларини лозим даражада идрок этмаётганлиги баъзи ўринларда сезилмоқда.

Мамлакатимиз барча фуқаролари Конституцияни тўла ўрганса, уни ўзлаштириб олса, моҳиятини онги-шуурига сингдирсагина юртимизда иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ривожланиш биз орзу қилаётган даражада бўлади.

У.ПЎЛАТОВ.

Шу сонга хабарлар

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Туманидаги «Холмурод» фермаси чорвадорлари ҳам қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Ферма аҳли бу йил қўйлар сонини 7200 бошга кўпайтириб янги иш ўринлари яратишни режалаштирмоқда. Олдинга қўйилган вазифалар деярли уддалаб бўлинди. Жумладан, Бобоқул Жанҳўжаев отари ҳар юз бош қўйдан 120 тадан қўзи олиб мавсум ғолиби деб топилди. Жўлдас Кенжаев отари ҳар юз бошдан 118 тадан, Олтинбек Абдирасулов отари 116 тадан қўзи олишга эришдилар.

Фермадаги фельдшерлик-акушерлик пункти ҳам шу кунларда янги шинам бинога ўтказилди ҳамда инсонпарварлик ёрдами шарофати ила турли хил тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди.

КОНИМЕХДА МИНИ-МАРКЕТ

Конимех туманида ҳам аҳолига савдо хизмати кўрсатишга жиддий аҳамият берилмоқда. Яқинда туманда «Истиқлол» деб номланган мини-маркет ишга туширилди. Савдо мажмуидаги 8та бўлимдан кўп хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олган.

Саккиз миллион сўм сарфланиб, шинам ва ихчам қилиб қайта пардозланган бу иншоот бор-йўғи 2,5 ойда ишга туширилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

«ГУЛЧИРОЙ» МУВАФФАҚИЯТИ

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида катта ашула ва лапар ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Вилоят ҳокимлиги, маданият бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази ҳамкорликда ўтказган мазкур тадбирнинг мақсади истеъдодли ёшларни қидириб топиш, қадимий қўшиқ ва лапарларни қайта тиклаш, уни оммага етказишдан иборат эди.

Танловда шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган ўндан зиёд ашула ва рақс дасталари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари мусобақалашди. Ҳаваскор санъаткорлар ўндан ортиқ жанр бўйича ижрочилик маҳоратларини намойиш этди. Танлов якунига кўра Қизилтепа туман «Гулчирой» дастаси ғолиб деб топилди. Энди у кўрик-танловнинг пойтахтда ўтадиган республика босқичида иштирок этади.

(ЎзА).

СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА

Самарқандда «Ташаббус-2001» кўрик-танлови якунлари чиқарилди. Кичик, ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркорлар ва халқ ҳунармандлари ўртасида ташаббускорликни кенг ёйиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбир ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ғолиб деб топилган Челак туманидаги «Зардўз» фирмаси раҳбари Муҳаррам Азимова, Самарқанд туманидаги «Зилола» фермер хўжалиги бошлиғи Абдусамад Шукуров, Оқдарё туманидаги «Дилноз» корхонаси етакчиси Улбуви Шодмоновларни республика сиҳатгоҳ ва курортларига йўлланма билан тақдирлади.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

аҳолини касбга йўналтириш ва иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда

Аҳолини, айниқса, ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бунда жойлардаги меҳнат бўлимлари фаолияти муҳим ўрин тутади. Чунки касби бўлмаган ёки бўш ишчи ўринлари ҳақида тўлиқ маълумот олмоқчи бўлган кишилар биринчи навбатда туманлардаги Меҳнат бўлимларига мурожаат этадилар.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг Шайхонтоҳур туман Меҳнат бўлими бу муҳим ишда бой тажриба тўплаган. Бўш иш ўринлари ҳамда вакант лавозимлар меҳнат ярмаркалари, ҳар ойда маҳаллаларда ташкил этилаётган учрашув, суҳбатлар шулар жумласидандир. Ушбу тадбирлар натижасида тумандаги кўплаб кишилар ўз лаёқатларига лойиқ иш билан таъминландилар. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагининг ўзида маҳалла ва гузарларда 23 марта мутахассислар ҳамда корхона, ташкилотлар мутасаддилари билан учрашувлар ўтказилиб, касби йўқ фуқароларни қисқа муддатли ўқув курсларида ҳисобчилик, ЭҲМ оператори, тикувчи-бичувчи, сартарош, котиба, дурадгор, бўёқчи-сувоқчи каби йигирмага яқин касбга, уста-шогирд йўналиши бўйича эса наққош, миллий кийимлар чевари, зардўзлик, попопчилик каби ҳунарларни эгаллашларига имкон яратилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун қисқа муддатли тадбиркорлик курсига талабгорлар жалб этилди. Туманда янги иш ўринларини яратиш мақсадида Меҳнат бўлимининг «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш» жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредит бериш масаласида тушунтиришлар берилди.

— 48 та маҳаллада ташкил этилган тадбирларда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машкура Сафаева, Шайхонтоҳур туман ҳокими Миркамол Одиловлар иштирок этиб, ёшларимизнинг ўқишлари, касб-ҳунар эгаллашлари ва ишлашлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар хусусида ҳикоя қилиб бердилар, — дейди туман Меҳнат бўлими бошлиғи Масъуда Каримова.

— Таъкидлаш лозимки, қисқа муддатли курсларда ёшлар стипендия билан ҳам таъминланиб, иш жойи топиш имкониятига эга бўладилар.

Бугунги кунда туман аҳолисининг 6 минг нафарга яқини вақтинча иш билан банд бўлмаган кишилардир. Уларнинг 2689 нафари 30 ёшгача бўлган фуқаролар. Бизда бу инсонларни иш билан таъминлашнинг барча имкониятлари мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, ўз-ўзини бунёд этган бирор буюм ёки кийим-кечакда киши олам-олам гўзаллик кашф этиб, эстетик завқ олади. Зеро, инсонларга гўзаллик бахш этиш — эзгулик улашиш демакдир.

Меҳнат бўлими томонидан куни-кеча яна бир ҳудудий Бўш иш ўринлари ҳамда вакант лавозимлар меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Чунки, бундай ҳудудий ярмаркалар аҳолининг кўпроқ қисмини қамраб олиш имконини беради. Унда тумандаги «Малика» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Кўкча» ҳиссадорлик жамияти, туман ободонлаштириш бўлими, Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш корхонаси, «Пахтакор» спорт бирлашмаси, 12-трестга қарашли 65-қурилиш бошқармаси, 159-трестга қарашли 8-, 21-, 53-, 70-қурилиш бошқармалари, туман Халқ таълими бўлими, «Блаш» масъулияти чекланган жамият, «Ўзбектелефилм», Бош бошқарма қошида ташкил этилган ўқув Маркази, «Уйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 3-корхона, Яккасарой туманидаги Тўқимачилик комбинати каби корхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Улар 504 ишчи ўрнига, 594 техник-муҳандис ходимларга эҳтиёж борлигини маълум қилдилар.

Меҳнат ярмаркасида туман Халқ таълими бўлими мутасаддилари бошчилигида мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари, тумандаги 17 та маҳалланинг вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқаролари тегишли йўналишлардаги касб-ҳунар ва ўзларига мос иш жойлари танлашга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, ишга талабгорларнинг илтимосига кўра компьютер тизими орқали бошқа туманда жойлашган корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Энг муҳими мустақил ҳаёт бўсағасида турган ўғил-қизлар ўзлари орзу қилган касб-ҳунар бўйича ўқиш, вақтинча ишсиз юрганлар эса Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш маркази хизматидан фойдаланиш хусусида аниқ тасаввурга эга бўлдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Газетхон илтимосига кўра

Ташаббус

ЖИЗЗАХ ЗАРДЎЗЛАРИ

Жиззах шаҳрида «Мавлуда — зардўз» ҳунармандчилик кичик корхонаси кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик шабадалари эса бошлаган йилда Мавлуда Жабборова турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, оилавий ҳунармандчилик цехини ишга туширган эди.

— Ишчиларимиз асосан ўқувчилардан иборат, — дейди Мавлуда опа. — Маълумки, ўқувчилар дарсдан сўнг фойдали меҳнат билан кам шуғулланишади. Шундан келиб чиқиб, уларни цехимизга жалб қилдик ва бичиш-тикиш сирларини ўргатдик. Натижада кўплаб ёшлар ҳунар эгаллаб, оилаларига моддий кўмак беришмоқда.

Ҳозирги кунда цехда 36 нафар ўқувчи қизлар миллий чопон, оёқ кийими, зардўппи каби зардўзи буюмларни бичиш-тикиш сирларини пухта эгаллашган. Айниқса, Гулбаҳор Боймуродова, Дилафрўз Туронова каби моҳир зардўзлар кўпчилик эътиборига тушди. Чевар қизлар тиккан зардўзи либослар Америка, Германия каби давлатлар музейига кўргазма сифатида олиб кетилди.

Рағбат ҳам шунга яраша бўлмоқда. Ўтган йили кичик корхона 1 миллион сўм соф фойда олди. Ёрдамга муҳтож кишиларга доимий равишда меҳр-мурувват кўрсатилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий йилда 7 нафар боланинг суннат тўйи уларнинг ҳомийлигида ўтказилди. Тўй болаларга 350 минг сўмлик кийим-кечаклар тўёна сифатида берилди. Бундан ташқари, меҳрибонлик ва ногиронлар уйларига 70 минг, кар-соқовлар жамиятига 40 минг сўм миқдорида саховат кўрсатилди.

Корхона ишчи-хизматчилари келажакда янги иш ўринлари очиб, фабрика барпо этиш ниятида меҳнат қилишмоқда.

Қ. ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Қоровулбозордан хат

ФАРОВОНЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Умримни чўпонлик билан ўтказаётганимдан мамнунман. Шу касб орқасидан яхши яшаб орзу-ҳавас кўряпмиз. Рўзғоримиз тўкин. Шу боис ўғилларим — Рауфжон, Омонжон ва Орифбеклар ҳам ҳеч иккиланмай менга эргашдилар. Оилавий пудрат асосида иш юритиш афзалликларини ўз тажрибамизда исботладик.

Юқори кўрсаткичларга эришаётганимизнинг бош омили чорвадор меҳнатининг рағбат топаётганлигидадир. Ҳар йили қўзилатиш мавсумини тугатишимиз биланоқ, илғорлар муносиб рағбатлантирилади. 2000 йилда анчагина қўзи мукофот тарзида берилди. Хўжалик маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган беллашув шартларини тўлатўкис бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Бу эса соҳа ривожида ижобий самарасини беряпти.

Даврон БУРҲОНОВ,
«Қоровулбозор» ширкат хўжалигининг бош чўпони.

ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

(Боши ўтган сонларда).

Ҳажм жиҳатдан кичикроқ, мавзуси ҳам икки кишидан иборат бўлган оила билан боғлиқ бўлган қисқа метражли қорақалпоқ филми — «Она»нинг чин мухлислари ҳам кўп бўлишига ишонамиз. Бу кино тасмасини бир неча бор кўриб, кўзларига ёш олиб, лекин тетик кайфият ва фахр ила сўзлаётган йигит ва қизлар билан мулоқотда бўлиб шундай хулосага келдик: она заминга меҳр қўйган, оналик бурчини бекаму-кўст бажаришга ошиққан, фарзандида ўзининг, элининг эртанги кунини кўрган шахснинг ёрқин қиёфаси, руҳий олами миллий онг, юртимиз минталитети каби қамрови кенг тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Қаерларгадир кетган ўғлини эртаю кеч кутадиган, кундалик меҳнатдан толиқмай, вафот этган умр йўлдошини унутмай, у ётган муқаддас тупроқни зиёрат этиб, кўз нурлари билан ёритиб, ёрига, оиласига, юртига садоқатини билдириб соғинч билан яшайдиган оддий аёлнинг юксак фазилатларини намойиш этадиган шахс ҳам қаҳрамон даражасига кўтарилган. Бадиий умумлашмаларга бой бу киноновелла ҳужжатли асардек ҳаётий, достонлардек теран ва қизиқарли. Унда сўзсиз, муаллиф ва режиссёрнинг изоҳисиз аёлнинг ёқимтой, кўнглимизга жуда яқин самимий қиёфаси яратилади.

«Ёлғиз ёдгорим» тўлиқ метражли бадиий филмида ҳам бағри кенг, мурувватли, сахий ватандошларимизнинг образлари гавдаланди. Бу асарда бир-икки воқеанинг тафсилотлари эмас, ана шу фожеали ҳодисаларга бой қаҳрамонларнинг муносабати ўрганилади. Шунда ўзбекнинг саховати, самимияти, феъли кенглиги, оқилона иш тутиши, чин севгини қадрлаши, адоватни қоралаши кўзга ташланади.

Кейинги даврда яратилган қирққа яқин бадиий филмлар орасида саноқлилардагина қаҳрамон танлаш ва уни талқин этиш масаласи юқори савияда ҳал этилгани ўйлантириб қўяди. Қаҳрамон ҳақида бир неча йил муқаддам таъкидланган фикр-мулоҳазалар инобатга олинмаган эди. Шу тариқа «Бахт қадри», «Ойижон», «Тилсимой» каби филмлар фикримизча ўз томошабинини топа олмади.

«Бахт қадри»да пора бериб қамалган, сўнгра ҳаётда ўз ўрнини топа олмай сарсон бўлган аёлнинг тақдирини кинода акс эттиришга аҳд қилган муаллифлар мавзу, қаҳрамон ва у билан боғлиқ бўлган воқеаларни тиклашда янглишганлари сценарий муҳокамасида айтилган эди. Ёзилиш техникаси жиҳатидан «кинобоп» кўринган бу сценарий бақувват филмнинг мустаҳкам пойдевори бўла олмаслиги олдиндан маълум эди...

«Ойижон»да сюжет йўли телефилм — «Сени излаб»га жудажуда ўхшашлигини ҳам айтган эдик. Лекин мазкур сюжетнинг телевизион шаклида муаллиф элимиз таомили, болажонлиги, оиланинг аҳиллигини қадрлашини ички мавзу сифатида анча пухта ишлашга эришган бўлса, мазкур воқеаларнинг киноэкрандаги шакли кўпроқ рекламани, манзарали филмни эслатади. Телефилмда ўзбек қизининг ўзга оилага кириб, етим қолган жажжи қизалоқни бахтли қилмоқчи бўлиши, йигитга кўнгил қўйиши жараёни тасвирланган бўлса, кинофилмда воқеалар қисман ўзга оилага бахт келтирмоқчи бўлган аёл эмас, вафот

этган онасини излаган болакай ўтиб қолган... Асар қайси ёшдаги томошабинга мослаб олинганини ҳам билмайсиз. Ҳар қалай, унда қаҳрамон танлаш ҳамда унинг бадиий ифодаси масаласига юзаки қаралгани яққол кўринади.

Мустақил адабий асарлар заминида вужудга келган «Севги» (режиссёр И.Эргашев), «Чимилдиқ» (режиссёр М.Абзалов) филмлари мавзу, жанр, талқин услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, уларни бирлаштириб турадиган ғоявий йўналиш ҳам кўзга ташланади. Элга, гўзал таомилга, инсонга бўлган меҳр-муҳаббат қаҳрамонларни бошқалардан ажратиб туради. Россиянинг узоқ қишлоғида истиқомат қилиб, бегона юртнинг одатларини ўзига сингдира бошлаган ўзбек йигити Ватанини қўмсаши, у билан «дийдор кўришиши», илк севгиси ҳурмати, она замин ҳурмати киндик қони тўкилган ерда янги ҳаётини бошлаши психологик жиҳатдан асослаб берилган «Севги», «Чаёнгул»да кимки ҳирс қулига айланиб, асрлар давомида шаклланиб келган урф-одатларга хиёнат қилса, ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам кулфат келтириши таъкидланади. «Чимилдиқ»да ўзбекнинг соддагина тўйи ва у билан боғлиқ бўлган маросимлар гўзал кўринишга эга бўлиш билан бирга тарбиявий вазифаларни ҳам бажариши таъкидланади...

Бу тасмаларда том маънодаги ижобий қаҳрамон рўй-рост гавдаланмагандек. Шу билан бирга, уларда акс этган муҳит соғломлиги, салбий кўринишларнинг барчасига тўсиқ бўлиши мазкур асарлар қаҳрамонларига, бинобарин томошабинга ҳам ижобий таъсир кўрсатишига эътиборингизни тортишни истардик.

Бу каби филмлар қаҳрамонни излаш ва уни талқин этишда адабиёт тажрибасига таянишга мойиллик борлигини кўрсатади. Лекин бир қатор бадиий филмлар борки, (масалан, «Қисмат», «Фазлий», «Соғинч», «Қариб қуйилмаган»), улар бадиий эстетик жиҳатдан ўтмишнинг нўноқ асарларини эслатади. Бунга сабаб қаҳрамон, уни ўраб олган муҳит, иккинчи пландаги образлар сценарийда ёзилишида ҳамда экранда таърифланишида эски қолиплар, сийқаси чиққан услублардан фойдаланилган, замон руҳини бадиий ифодалаш йўлларини топишга муваффақ бўлинмаган.

Мулоҳазаларимизга якун ясаб шуни қайд этардикки, ўзбек киносининг шоҳ асарлари аввало барчани ҳайратга келтирадиган қаҳрамонлари билан шуҳрат қозонган. Қалби гўзал, ойжамол Зуҳранинг нозик ҳис-туйғулари, Тоҳирнинг садоқати, ақл-заковат, Ҳазрати Навоийнинг ажойиб ғояларни бир умр тараннум этиши, мурувватли ҳамшаҳарларимиз Шомаҳмудовларнинг юрак даъвати билан кўрсатган жасорати, уруш етимларига меҳр улашгани — шу кабилар нурли тасмаларнинг ўлмаслиги сабабларини бир мушоҳада

қилиб кўрайлик.

Истиқлол ғоялари тантана қилаётган ҳозирги кунда асар қаҳрамонини танлашда санъаткорнинг дунёқараши, замон талабларини ҳис этаётгани кўзга ташланади. Қаҳрамонга аниқ бадиий таъриф бериш, фикрни гўзал эстетик шаклда равон ифода этиш учун санъаткорнинг қалби пок, дунёқараши аниқ, мулоҳазалари теран бўлиши шарт. Шу билан бирга бадиий талқиннинг юксаклиги санъаткорнинг, жумладан кино аҳлининг малакасига, бисотига, дидига, завқ-шавқ билан ижод этиш истагига ҳам боғлиқлигини филмлар кўриги ва таҳлили яна бир бор тасдиқдан ўтказди.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Жамоа шартномаси корхонанинг асосий меъёрий ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, мазкур ҳужжат иш берувчи (корхона раҳбари) билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишга кўмаклашади.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

уни қабул қилиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида меҳнат шартномасининг тарафлари, мазмуни, унинг қабул қилиш тартиби ва шунга ўхшаш бошқа масалалар равшан ифодалаб берилган.

Иш берувчи билан корхонадаги касаба уюшмаси жамоа шартномасининг тарафлари ҳисобланади. Улар ихтиёрий асосда ўзаро мажбуриятларни — меҳнатга ҳақ тўлашнинг шаклини, миқдорини, мукофотлар кўламини, қўшимча тўловларни, иш вақти ва дам олиш вақтини, меҳнат таътилларининг муддатларини, меҳнат муҳофазасини яхшилаш каби шартларни келишиб оладилар. Унда корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча таътиллар бериш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар ажратиш сингари бошқа имтиёзлар белгиланиши мумкин. Шунингдек, жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин ёки шарт деб кўрсатилган бўлса бундай қоидалар унга киритилиши лозим: масалан, касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўймаслик шарти, ходимни бошқа ишга ўтказишнинг белгиланган муддати, унга бу даврдаги меҳнати учун бериладиган иш ҳақининг аниқ миқдори, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар, ходимнинг иш билан боғлиқ қўшимча харажатларини қоплаш шартлари ва тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағ ва улардан фойдаланиш тартиби, меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва бундай ишларда ишловчи ходимларга бериладиган махсус озиқ-овқатлар ҳамда кийим-кечаклар миқдори сингари ҳолатлар ҳам меъёрий ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Келишилган шартлар жамоа шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бошқа ташкилот ёки муассасанинг жамоа шартномасидан кўчирма олмасдан ҳар бир корхона мазкур меъёрий ҳужжатни ўзининг ички имкониятларидан ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тузиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси меҳнат жамоаси томонидан муҳокама қилиниши керак. Ходимлар томонидан билдирилган фикр ва таклифлар эътиборга олинган лойиҳа меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида муҳокама қилинади. Ходимларнинг ярмидан кўпроғи иштирок этган умумий йиғилиш (делегатларнинг учдан икки қисми иштирок этган конференция) ваколатли ҳисобланади.

Умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этганларнинг ярмидан кўпроғи жамоа шартномасини маъқуллаш учун овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади ва ҳуқуқий кучга эга бўлади. Ундаги белгилаб қўйилган шартларнинг бажарилиши ходимлар учун ҳам бирдай мажбуриийдир.

О. ҒАЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари касаба уюшмаси МҚнинг меҳнат ҳуқуқи нозири.

«МУСАВВИР» ПОЗНАНГА БОРАДИ

Шу йил 18-21 июнь кунлари Польшада «Познань-2001» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда жаҳондаги кўплаб давлатлар ўзларининг халқ хўжалиги, электроника ва турли истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдаги ютуқларини намойиш этади. Кўргазмада мамлакатимиздаги «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази қошида фаолият кўрсатаётган ёғоч ўймакор устаси Шуҳрат Азимов, Шарқ миниатюра устаси Баҳодир Ҳожиматов, моҳир зардўз Вилоят Иноятова ўз ижод намуналари билан қатнашади. Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликнинг лавҳ, нақшдор курси, қутича, қўғирчоқлар, ўйма идишлар, ҳамён ва жилд каби буюмларига кенг ўрин берилади. Манзур бўлган буюмлар савдоси бўйича ўзаро манфаатли шартномалар имзоланади.

(ЎзА).

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалда

Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 125 нафар ўқувчи ёшларни ўз бағрига олган. Бу илмга чанқоқ туман ёшларини янада руҳлантириб юборди. Янги ишга туширилган илм масканида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бўлиб, бу ерда агрономия, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари назорати ва стандартлаш, молия мутахассислиги бўйича кадрлар таёрланади.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАР — КОЛЛЕЖ ФАХРИ

— «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида талайгина ишлар амалга оширилмоқда, - дейди коллеж директори Неъматилло Ибрагимов. — Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятига қараб, соҳа мутахассислиги бўйича гуруҳлараро турли мусобақалар, фан олимпиадалари, спорт секциялари ва тўгараклар ташкил этилган.

Муҳими, талабалар назарий билимларини амалий машғулот билан бирга қўшиб олиб бориш имкониятига эгадирлар. Ўқув машина-трактор парки, 20 гектарли тажриба участкаси, кўргазма заллари, лаборатория хоналари эса назарий ва амалий билимларини оширишда ўз самарасини бермоқда.

Турли олимпиада ва кўрик-танловлар натижалари ҳам шундан далолат беради. Туманлараро минтақавий спорт мусобақаларида иккинчи, вилоят қўшиқ танлови ва фан олимпиадаларида совринли ўринлар қўлга киритилди. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маъмурият ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда «Огоҳликка даъват», «Ҳуқуқингизни биласизми?», каби мавзуларда семинар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Коллежда 10 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона мавжуд. Ўқувчиларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш борасида ўқув ишлари мудирлиги томонидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган, хусусан, очиқ дарслар, услубий хоналар ташкил этилди.

Наргиза Давлатова, Шаҳноза Турсунова, Сайфиддин Обилов, Севара Сидиқова каби аълочи ўқувчилар коллеж фахри ҳисобланишади. Дарвоқе, илғор талабалар касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда.

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

НАҚАДАР ГЎЗАЛ, ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ!

«Интерконтинентал» меҳмонхонасининг «Амир Темур» залида ўзбек модельерлари ўртасида аёллар, эркаклар, ўсмирлар ва болалар либослари номинациялари бўйича ўтказилган «Шарқ Ғарбга йўл олди» танлови ғолибларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Либосларда Шарқ ва Ғарб анъаналари ажойиб тарзда уйғунлашгани модельерларимизнинг бой фантазияси ҳамда юксак маҳоратидан далолат беради. 8 нафар модельер жорий йилнинг июл ойида Германияда бўладиган модалар фестивалига йўлланмани қўлга киритди. Шуни қайд этиш зарурки, айнан Германия ўзбек миллий либосларини Европа бозорларига чиқариш лойиҳасининг ташаббускори ҳисобланади. Лойиҳа Германия техникавий ҳамкорлик жамияти томонидан амалга оширилди. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири бўлгани ҳолда табиий газламадан тикилган либослар моделларини яратишда ҳам улкан ютуқларга эришса ажаб эмас.

Германия техникавий ҳамкорлик жамияти мувофиқлаштирувчиси ва «Шарқ Ғарбга йўл олди» лойиҳаси раҳбари Михаел Герлих мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

- «Экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасида янги тикувчилик корхоналарини ривожлантириш ва бутунлай янги турдаги либосларни яратувчиларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Талабчан модельерлар ва дизайнерларнинг фикрича, янги либослар яратишда сезиларли ютуққа эришилди. Уларни Европа бозорига чиқариш эса бу ютуқни мустаҳкамлашга уринишдир. Танлов иштирокчилари янги бозорларни ўзлаштириш ва ўз маҳсулотларини намойиш этиш, ишлаб чиқарувчи фирмалар билан шартномалар тузиш ва айни пайтда европалик истеъмолчиларда ўз коллекцияларига қизиқиш уйғотиш ниятида эканликларини баён қилишди. Шарқона усулда яратилган либосларимиз чет элликларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

(ЎзА).

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Юзларидан нур ёғилиб фарзандларига меҳр-муҳаббат билан қараб турган келинчакка боқиб қалбинг қувончга тўлади. Эрку озодликка, тақдирга шукрона айтасан. Зеро, болалар, оналар эъзозланган юртдагина келинчаклар гулдек яшнаб, Ватан, миллат жонкуярига айланадилар. Уларнинг қайноқ меҳри, ақл сарчашмасидан баҳра олган болалар эса ҳақиқий элпарвар бўлиб камолга етадилар.

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва шу тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ҳамкорликда вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича комиссияларнинг фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиққан эди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бирин-кетин амалга оширилмоқда. Комиссиялар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва кўнгилли ўтказишлари ҳамда фойдали иш билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилди. «Фидойилар», «Президент асарларини ўрганамиз» каби клублар фаолияти жонлантирилди. Мактабдан ташқари муассасаларда ташкил этилган 32 турдаги тўгараклар иши ҳам қайта кўриб чиқилиб, уларга 473 минг бола жалб этилди.

Мактабларда «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловлари мунтазам ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларнинг юқори савияда уюштирилаётгани ва ёшларда ҳуқуқий саводхонлик ошиб бораётганлиги сабабли, жорий йилнинг ўтган уч ойи ичида Олтинкўл, Андижон, Хўжаобод туманларида вояга етмаган болалар ўртасида қонунбузарлик ҳолати қайд этилгани йўқ.

М.АБДУКАРИМОВ.

«Ишонч» фош этади

«Тарағай» қишлоғи Чироқчи туманидаги олис тоғли ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда истиқомат қиладиган «Қалқама» жамоа ширкат хўжалиги аҳолиси асосан боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Туман марказидан олисда жойлашган бундай қишлоқларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қандай ташкил этилган?

ЁРДАМГА МУҲТОЖ «ТЕЗ ЁРДАМ»

— Қишлоқ врачлик пунктида 53 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади, - дейди касаба уюшма гуруҳи раҳбари, тез ёрдам бўлими навбатчиси Қаюм Жабборов. - Аҳвол кўриб турганингиздек, мақтагулик эмас. Бизнинг ҳам шинам хоналарда ишлагимиз келади.

Суҳбатдошимиз ҳақ гапни айтди. Узоқдан кўзга ташланган бино деворларининг сувоғи кўчиб, томи ямоқ бўлиб кетган. Бу ерда тез тиббий бўлим ва қишлоқ врачлик пункти жойлашган. 5 нафар олий маълумотли врач, 9 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилаётган жамоада ходимларнинг бемалол ишлашлари учун шароит йўқ. Навбатчилар учун қўйилган жиҳозларнинг увадаси чиқиб кетган. Телефон хизмати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Навбатчилар хонадонларнинг чақириғига яёв бориб келишмоқда.

— Мен Ғаровли қишлоғидаги Яхшибоевлар хонадонига йўловчи машина билан бориб, пиёда қайтиб келаяпман, - дейди шифокор Давлатмурод Эшмаматов, — «Тез ёрдам» автомашинаси ҳайдовчилари Нормўмин Холмуродов, Мусурмон Исломов, Мансур Жўраев, Маҳмуд Иброҳимовлар ёқилғи йўқлигидан бекор ўтиришибди.

Тиш касалликлари даволовчиси Раҳматулла Ҳакимов ишлаб турган хонага разм соламиз. Қачонлардир, аниқроғи, бундан 10-15 йил муқаддам келтирилган кресло йиртилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Тиш даволаш асбобларини «қайта созлаш»да қўлбола усулдан фойдаланилмоқда. Боз устига ҳатто биринчи ёрдам учун дори-дармонлар етишмайди. Шуниси ажабланарлики, бирорта шифокор эгнида оқ халат, бошида махсус кийим кўрмадик.

Шу ўрнида ҳақли савол туғилади: ёрдамга муҳтож «тез ёрдам»дан қандай қилиб намунали ёрдам кутиш мумкин? Бу саволга мутасадди раҳбарлар жўяли жавоб қайтарадилар, деб умид қиламиз.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ПАРКЕНТДА ЙЎЛ ТАДОРИГИ

Ҳадемай Жиззах шаҳрида мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари талаба ёшларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бошланади. Мусобақа машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш марказида офтоб нурларидан тафт олади. Сўнгра у Паркентдан Тошкентга, Тошкентдан Сирдарёга, ундан эса Жиззахга махсус тайёрланган оловдонда олиб борилади. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашадиган «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан махсус сценарий асосида амалга оширилади.



Суратда: машъалани манзилга етказиш чизмаси.

Машъалани манзилга етказиш давомида «Алпомиш» ва «Барчиной» тест синовлари, турли спорт тадбирларига кенг ўрин берилади. Ўттизинчи апрел куни эрталаб соат 10:00 да Жиззах вилояти ҳудудлари бошланадиган «Ўрашув» бекатида мусобақа машъаласини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтади.

Фарғона шаҳрида Республика Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан ташкил этилган «Амир Темур авлодлари» ҳарбий спорт мусобақалари якунланди.

СОҲИБҚИРОН ВОРИСЛАРИ

Мусобақа қатнашчилари узоқ масофага югуриш, турнирда тортилиш, граната улоқтириш, арқон тортиш ва ҳарбийлаштирилган эстафета ўйинларида куч синашди. Беллашув якунларига кўра, Фарғона шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицей жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги лицейлар жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ўзбек кураши: I Осиё чемпионати

БАҲСЛАРГА ТАЙЁРМИЗ!

Апрел ойи юртимиз спортчилари учун ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлмоқда. Хусусан, бокс бўйича Осиё, жаҳон ва олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев профессионал рингдаги дастлабки беллашувдаёқ зафар қучган бўлса, теннисчиларимиз терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги мусобақаларида Янги Зеландия терма жамоаси устидан ажойиб ғалабани қўлга киритишди.

Бу ойдаги энг муҳим мусобақа эса шубҳасиз, 28-29 апрел кунлари «Юнусобод» спорт мажмуида бўлиб ўтадиган ўзбек кураши бўйича I Осиё чемпионатидир. Фахр билан айтиш мумкинки, ушбу нуфузли мусобақада мухлислар япониялик Изуми Таканезава, Масаши Йошизава, ҳиндистонлик Раван Кумар, Яшнал Саланки, эронлик Аббас Фалах, Голам Сезегар, жанубий кореялик Сеонг Пил, Эор Жунг, қозоғистонлик Достон Примқулов каби таниқли курашчиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўладилар.

Турнирда эркаклар 73,81,90 килограммгача ва энг оғир вазнда, аёллар эса 63 килограммгача вазнда қитъа чемпионлигини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашадилар.

Айни пайтда «Юнусобод» спорт мажмуи нуфузли мусобақани ўтказишга тайёр. Кези келганда, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Республика солиқ қўмитаси каби ташкилот ва муассасалар ушбу чемпионатни юксак савияда ўтказишга муносиб ҳисса қўшганликларини таъкидлаш лозим.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Касаба уюшма спорти

ЎҚИТУВЧИЛАР ЎРНАК

Оналар ва болалар йилига бағишлаб Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Чироқчи туман қўмитаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган мусобақаларда 400 дан ортиқ ўқитувчи иштирок этди. Ҳаваскор спортчилар волейбол, футбол, енгил атлетика, тош кўтариш, арқон тортиш бўйича баҳс юритдилар.

Аёллар ўртасида ўтган волейбол баҳсларида тумандаги 1-лицей-интернат мактаби жамоаси, эркаклар ўртасидаги беллашувларда эса 4-ўрта мактаб волейболчи ўқитувчилари зафар қучдилар. Шунингдек, 30-, 1-, ҳамда Т.Рўзиев ва Ш.Шойимов номли мактаб жамоалари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Спорт маликаси — енгил атлетика баҳсларида К.Ўлжабоев, Чўлпон ва Х.Абдуллаев номли, шунингдек, 4-, 30-мактаб спортчилари ғолибликни қўлга киритган бўлсалар, футбол ўйинларида Рудакий номли мактаб футболчиларига омад кулиб боқди.

«Ақл гимнастикаси» саналмиш шахмат бўйича ўтказилган қизиқарли баҳсларда 27-мактаб шахматчилари шоҳсупага кўтарилдилар.

А.ҲАЙДАВОЛОВ.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



ҒОЛИБЛАРГА — ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Яқинда Бўка туманидаги 12-мактаб ўйингоҳида 14 ёшгача бўлган ўсмир ёшлар ўртасида вилоят ҳудудий спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақаларда Бекобод шаҳри, Бўка, Пскент, Оққўрғон ва Бекобод туманлари вакиллари қатнашдилар. Иштирокчилар мини футбол, волейбол (қизлар), миллий кураш баҳслари ҳамда оилавий мусобақаларда куч синашдилар.

Қизғин ўтган баҳслар якунида мини футбол, волейбол, миллий кураш турлари бўйича умумжамоа ҳисобида Бекобод шаҳри вакиллари рақибларидан анча устун эканликларини намойиш этдилар.

Оилавий жамоалар ўртасидаги баҳслар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бўка туманилик Ғуломовлар оиласи биринчи ўринни эгаллаб, шоҳсупага кўтарилган бўлса, иккинчи ўрин оққўрғонлик Ўсаровлар оиласига насиб этди.

Ғолибларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Х.ТЕМИРОВ.

ТЕННИСГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Ҳар йили баҳор фаслида Андижон теннис клуби ҳаваскор теннисчилар ҳамда ишқибозлар билан гавжум бўлади. Айниқса, бу йилги мусобақалар катта қизиқиш уйғотди — турнирда кўплаб теннисчилар иштирок этди. Шу боис улар уч гуруҳга бўлиниб баҳс олиб боришга тўғри келди.

Бир ҳафта давом этган бу ўзига хос биринчиликда вилоят «Тадбиркорбанк» бошқаруви раиси ўринбосари Валижон Турдиев барча рақибларини мағлуб этиб, бош соврин соҳиби бўлди. Қувончлиси, шу куни унинг туғилган куни эди.

М.АБДУКАРИМОВ.

МИНТАҚАДА БИРИНЧИ

Республикамиз халқ таълими тизимидаги футбол мактаб-интернатларида амалга оширилаётган спорт тадбирлари кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан мамлакатимизнинг Андижон, Бухоро, Наманган шаҳарлари футбол мактаб-интернатлари ўртасида уюштирилган минтақавий мусобақалар жуда қизғин ўтди.

Мусобақа низомига мувофиқ туман гуруҳлари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Кичик ёш гуруҳлари мусобақасида фарғоналиклар биринчиликка эришди. Катта ёш гуруҳлари беллашувида эса Самарқанд жамоаси ғолиб чиқди.



Мусобақа ғолиблари ва энг иқтидорли ўйинчилар Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон «Ёшлик» жамияти Марказий кенгашининг дипломлари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Акбар АЛИЕВ.

ҚОИДАГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Кўҳна тарих олдида 2-3 йил уммондан томчидек гап. Лекин ҳаётда шундай воқеалар бўладики, улар асрларга, минг йилликларга татийди. Ўзбекнинг ўзида ҳалоллик, орият, ғурур ва мардликни жамлаган қадим қадрияти — миллий кураш хусусида ҳам дилда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини туйган ҳолда шундай фикр билдириш мумкин. Зотан, бундан бор-йўғи салкам уч йил аввал халқаро майдонга чиққан ўзбек кураши шу қисқа вақт мобайнида оламшумул йўлни босиб ўтди. Бир неча қитъа конфедерациялари ҳамда ўнлаб мамлакатларда миллий кураш федерациялари ўз фаолиятини бошлади, қатор нуфузли мусобақалар, турнирлар ўтказилди. Тошкент ва Анталияда I ва II Жаҳон чемпионатларининг зўр муваффақият билан ўтиши дунё миқёсида ушбу спорт турининг оммавийлашуви, унинг нуфузи, обрўйи ошувига хизмат этди.

Эрта-индин пойтахтимизнинг муҳташам «Юнусобод» спорт мажмуи яна бир кураш байрами билан уйғун бўлади — биринчи Осиё чемпионати иштирокчилари — алпқомат полвонлар бел олишади.

Миллий матбуот маркази мажлислар залида бўлиб ўтган матбуот анжумани айнан шу мавзуга бағишланди. Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, Осиё кураш конфедерацияси бош котиби Микеш Кумар, эронлик ҳакам Ризо Носирий, терма жамоамиз бош мураббийи Холмурод Муборакoвлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Чемпионатда эса қитъанинг Бангладеш, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон, Қозоғистон, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Япония каби 16 мамлакатидан юздан ортиқ курашчилар иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, мусобақаларга Халқаро Олимпиада қўмитаси аъзолари, Нигерия ва Испания мамлакати вакиллари кузатувчи сифатида ташриф буюради.

Комил Юсупов, Халқаро кураш ассоциацияси президенти:

— Мазкур чемпионат беллашувлари ўйин қоидаларига маълум ўзгартиришлар киритилган ҳолда ўтказилади. Яъни, 5 дақиқа давом этадиган бир раунд мусобақаси 2 га бўлинади. Биринчи бўлим 2 дақиқа давом этгач, полвонларга 30 секунд танаффус берилади. Сўнг 3 дақиқалик иккинчи бўлим давом эттирилади. Маълумки, отабололаримиз тўй-тантаналарда кураш тушганда бироз вақтдан сўнг давра айланиб, дам олганлар. Ўйин қоидаларига киритилган бу ўзгартириш ана шу анъанадан келиб чиқилди. Агар у ўзини оқласа, навбатдаги халқаро мусобақаларга ҳам жорий этилади.

Микеш Кумар, Осиё кураш конфедерацияси бош котиби:

— Барчага аёнки, кураш ўзбекларнинг миллий спорт тури. Шу сабаб ҳам илк қитъа чемпионатини ўтказиш учун гўзал шаҳрингиз Тошкент танланди. Қолаверса, биринчи жаҳон чемпионати ҳам айнан Тошкентда ўтказилган, кейингиси зўр муваффақият билан Анталияда ташкил этилганди. Умид қиламанки, илк маротаба ташкиллаштирилаётган Осиё чемпионати ҳам кўтаринки руҳда ўтади. Яна шуни комил ишонч билан айтишим мумкин: 2006 йилги олимпия ўйинлари таркибидан миллий кураш ҳам ўрин олади.

Холмурод Муборaков, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:

— Чемпионат баҳсларида бухоролик Рамзиддин Саидов (73 кг вазнда), фарғоналик полвон Воҳид Жўраев (81 кг), Сурхондарё вилояти вакили Файзи Очилов (90 кг) ва энг оғир вазнда қашқадарёлик Нодиржон Музаффаровлар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Аёллар ўртасидаги беллашувларда эса қорақалпоғистонлик курашчи қиз Зулҳижжа Худоёрова ғалабасига умид билдирмоқдамиз.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Футбол: Еттинчи гуруҳ

МИРЖАЛОЛНИНГ МАҲОРАТИ

Япония ва Жанубий Корея мезбонлар сифатида янги асрнинг илк жаҳон чемпионатида қатнашажакларини яхши биламиз. Осиё қитъаси учун ажратилган яна икки йўлланма учун баҳслар эса тобора қизғин паллага кирмоқда. Эрон, Саудия Арабистони, Бахрайн, Катар ... Улар ўз гуруҳларида ғолиб чиқиб, иккинчи босқичга йўл олган ҳолда бўлажак рақибларини кутаётганлари паллада яна бир даъвогар Қозоғистон ва Ироқ терма жамоалари ўртасида кечган қизғин баҳсда аниқланди. Гарчанд мутахассисларнинг аксарияти қўшниларимизнинг қўли баланд келишини башорат қилган бўлсалар-да, ўзаро учрашувда томонлар дурангга имзо чекдилар. Бу тўплар нисбатига кўра яхшироқ мавқега эга бўлиш Ироққа олтинчи гуруҳда биринчи бўлиш имконини берди.

Хўш, еттинчи гуруҳда қайси жамоага омад кулиб боқади? Шу кунгача бу муаммо ечимига Иордания ва Ўзбекистонга берилган саволдек қаралаётган эди. Тошкентда ўтаётган биринчи давра баҳслари аҳвол анчайин мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Очиғини айтганда, биз туркманистонликлар терма жамоамиз билан тенгматенг ўйнай олади, деб сира ўйламагандик. Балки, шунинг учунми, «Пахтакор» стадионига тушган томошабинлар тўқсон дақиқа мобайнида юрак ҳовучлаб ўтирдилар. Ўйиннинг кузата туриб, қитъа футболи жонланаётганини ич-ичдан ҳис қилдик.

Яхшиям Миржалол Қосимов бор экан. Туркман ҳимоячиси тўпни қўл билан тўхтатиб қолганлиги учун жарима майдони бурчагида ҳакам томонидан белгиланган жазо оқибатсиз қолмади. Жамоа сардори дарвозага йўллаган гол чиройи жиҳатидан Европа майдонларида намойиш этилаётган голлардан асло қолишмайди, ҳатто қайсидир жиҳатлари билан устун ҳамдир. Биз учун эса икки жиҳати, яъни учрашувда киритилган ягона тўп эканлиги ва муҳим уч очко келтирганлиги билан янада аҳамиятли.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси икки ўйинда ғалаба қозониб, гуруҳ пешқадами бўлиб олди. Хитой Тайпейи билан куч синашган Иордания футболчилари эса ўзларига яратилган кўплаб имкониятлардан фақат икки марта унумли фойдаландилар, холос.

Икки турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Ўзбекистон	2	2	0	0	8:0	6
2. Туркманистон	2	1	0	1	2:1	3
3. Иордания	2	1	0	1	2:2	3
4. Хитой Тайпейи	2	0	0	2	0:9	0

«СЕМУРҒ»НИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

Мамлакат чемпионати

Тақвимга кўра бу турда «Нефтчи» ва «Андижон» жамоалари дам олганликлари, «Насаф» ва «Трактор» ўртасидаги учрашув аввалроқ ўтказилганлиги, шунингдек, етакчи ўйинчиларини терма жамоага йўллаган «Пахтакор» жамоасига «Кимёгар» билан бўладиган баҳсни бошқа муддатда ўтказиш имкони берилганлиги боис мухлислар саккизинчи турда олтита матчни кўрдилар, холос.

Ниҳоят, турнир жадвалининг ютуқлар устуни 0 («нул») рақамидан тўла халос бўлди. «Семурғ» жамоаси «Турон» билан учрашувни ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан ўтказиб, биринчи ғалабани қўлга киритди. Муқаддам ўтказилган барча ўйинларда бор-йўғи иккита тўп киритган ангренликлар шу кун ўз ишқибозларини бир йўла тўрт тўп билан сийладилар.

Уч матчда ора очиқ бўлмади, энг қизиғи, улар бир хил — 1:1 ҳисобида якун топди. «Металлург» жамоасининг «Дўстлик»ка, «Бухоро»жамоасининг «Самарқанд-Д»га кучи етмаганлигини тушуниш мумкиндек бўлса ҳам, «Бухоро»—«Сўғдиёна» учрашувидаги тенглик кишини бироз ажаблантиради. «Навбаҳор» эса «Зарафшон» устидан 1:0 ҳисобида устун келди.

Ушбу турда фақат бир ўйин меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Мавсум дебютанти «Академия» Термизда маҳаллий «Сурхон» дарвозасига икки тўп киритиб, кучли ўнликда мустаҳкамланиб олди.

Навбатдаги тур 2 май куни бўлиб ўтади.

Саккизинчи турдан кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Насаф»	8	7	0	1	17-5	21
2.«Нефтчи»	7	6	1	0	22-6	19
3.«Пахтакор»	6	5	0	1	17-5	15
4.«Навбаҳор»	7	5	0	2	13-7	15
5.«Дўстлик»	8	4	1	3	16-12	13
6.«Бухоро»	8	4	1	3	15-11	13
7.«Академия»	8	4	1	3	14-11	13
8.«Қизилқум»	8	4	1	3	5-6	13
9.«Трактор»	8	4	0	4	12-21	12
10.«Самарқанд-Д»	7	3	1	3	13-15	10
11.«Сурхон»	8	3	0	5	10-16	9
12.«Зарафшон»	8	2	2	4	12-11	8
13.«Кимёгар»	7	2	1	4	6-12	7
14.«Металлург»	7	1	3	3	6-12	6
15.«Турон»	8	2	0	6	4-18	6
16.«Семурғ»	7	1	2	4	6-10	5
17.«Андижон»	7	1	1	5	6-16	4
18.«Сўғдиёна»	7	1	1	5	4-12	4

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6